



e-mail: xxi\_asr@umail.uz



11-FEVRAL  
2021-YIL  
6 (900)

web sayt: www.21asr.uz

@XXIasrofficial

ASR IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

## 14 fevral – Zaхириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

*Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг  
ямонлик асру кўп,  
Энди кўз тутмоқ не маъни ҳар  
ямондин яхшилиг?  
Бори элга яхшилиг қилгилки,  
мундин яхши йўқ –  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди  
фалондин яхшилиг!*



9

### Муносабат

## Оила ва жамиятнинг суюнчимиз



**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
Меҳнат ва ижтимоий масалалар  
қўмитаси раиси,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Президентимизнинг сиёсий партиялар фаоллари билан учрашувида мен ҳам иштирок этдим. Суҳбат жуда самимий ва очиқ-ошкора кечди. Давлат раҳбари жамиятимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш, халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қимматли фикр ва таклифларини берди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар турли нуфузли лавозимларга тавсия этилмоқда. Масалан, бугунги кунда Олий Мажлис Сенати раиси, олти туман ҳокими, Олий Мажлис ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман) ва бир қатор ташкилотларда аёллар раҳбарлик қилмоқда. Қонунчилик палатасининг учта қўмитасини ҳам хотин-қизларимиз бошқармоқда. Бундай ишонч зиммамизга катта масъулият ҳам юклашини юрак-юракдан ҳис қиламиз. Қонун лойиҳалари муҳокамасида, кескин тортишув ва баҳс-мунозараларда аёллар фаоллик кўрсатмоқда.

8

### БОБУР

*Эй сен, юртим, қиличлардан қолган жароҳат,  
Эй сен, тиглар чақмоғидан яралган кўёш!  
Қайси найза илиб кетди бошинг бу дафъа,  
Бир фарзандинг излаб юрар сени сўққабош.  
Излаб-бўзлаб юрар у ҳам қўлида қилич,  
Номусингни у тиг билан топмоқчи, Ватан!  
Курашмоққа қолмаганда на имкон, на куч,  
Кўкрагидан ғамли куйлар сирқади баъзан.*

*У куйлайди тупроғингни сенинг, о ўлка,  
Унинг ёлғиз ҳамроҳидир қувгин ва алам.  
Кета туриб олган сиқим тупроғи ичра  
Бор эди қон ва бор эди бир кичик қалам.  
Шундай кетди ул саркарда юртдан бешуҳрат,  
Фақат қалам ола кетди ва қалбдан нидо.  
Олисларда топса ҳамки ганжи беадад,  
Она Ватан кўйида у бўлди бир гадо.*



Омон МАТЖОН,  
Ўзбекистон халқ шоири

*Лекин чексиз эди ҳижрон. Чидолмай охир  
Ҳазал тўла юрагини отди юрт томон.  
О, Ватан деб пора-пора бўлган бу бағир  
Осиёни қўшиқларга кўмди шул замон.  
Қўшиғи деб қабул этди уни Ватани,  
Қўшиғи деб энди бунда юради эркин.  
Менинг юртим, ололмади шоҳ қалби сени,  
Шоир қалби, шоир қалби забт этди лекин.*

### УШБУ СОНДА:

ТОШДАН ҚОҒОЗ ЧИҚАРАЁТГАН ТАДБИРКОР  
Президент ташрифидан миннатдор



3

КЛАСТЕР БИЗГА НИМА БЕРАДИ?  
таҳлилий мақола



4

КЎЗЁШЛАРИМ ОЛТИН БЎЛДИ



7

"СЎРАНГ, КЎМАК БЕРАМИЗ"



10



**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтган йиғилишда партиянинг парламент қўйи палатасидаги фракцияси ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлари, ижроқўм аъзолари иштирок этди.**

Унда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 февралдаги сиёсий партиялар, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувдан келиб чиқадиган О'zLiDeP тузилмалари, партиянинг

лаш орқали соҳани юксак даражада ривожлантириш, бандликни таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланган. Бундай пайтда қабул қилинаётган қонунлар, дастурлар ижросини назорат қилиш парламент палаталари ва маҳаллий



## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси олдида турган устувор вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирни **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хайтов ўз кичи сўзи билан очар экан, жумладан, шундай деди:**

– Бугун сизлар билан мамлакатимизда содир бўлган ижтимоий-сиёсий ислохотлар юзасидан фикр алмашиш ҳамда улар асосида партияимиз олдида турган долзарб вазифаларни белгилаб олиш учун йиғилдик. Хабарингиз бор, ўтган ҳафтада сиёсий партиялар ҳаётида муҳим воқелик юз берди. Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар етакчилари, уларнинг парламентдаги фракциялари аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтган йиғилишда сиёсий партиялар фаолияти бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг ишини такомиллаштириш ва самарасини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар, амалий таклифлар билдирилди. Мазкур амалий мулоқот фаолиятимизни яна бир бор танқидий-таҳлилий кўриб чиқиш ва шу асосда келгусидаги фаолиятимизни, шунингдек, шу йилнинг октябрь ойида ўтказилиши белгиланган Президент сайловларига жиддий тайёргарлик кўриш бўйича олдимизда турган долзарб вазифаларни атрофли-

кенгашлар, жумладан, партияларга ҳам катта масъулият юклайди. Бу борада амалга оширилаётган ислохотларга партияимизнинг фаоллигини ошириш, депутатларнинг аҳоли билан ишлаш тизимини тубдан ўзгартириш, жойларда йиғилиб қолган муаммоларни ўз вақтида ҳал этишда уларнинг назоратини кучайтириш ғоят муҳимдир.



**Тўлқинжон КАРИМОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Учрашувда партиялар ўз электорати, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ва нурунийлар билан ишлаш, уларнинг ҳаётини манфаатларини таъминлашга

## Энди ҳаммаси фаоллик, самара ва натижага боғлиқ

таётганимизнинг боиси шундаки, партияимиз умумий аъзоларининг қарийб 52 фоизини 34 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. “Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор” тамойили асосида “Ёшлар: 1+1” дастури доирасида ишсиз ва уюлмаган ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, бўш вақтларини фойдали ишларга жалб этиш бўйича янги лойиҳалар йўлга қўйилмоқда. Жумладан, маълум касб-хунар ва кўникмага эга бўлмаган ёшларнинг қизиқишлари доирасида хунар ўрганишига кўмаклашиш, ишсизлигини камайтиришга эришиш мақсадида “Келажакка касб-хунар билан” каби долзарб лойиҳалар ҳам ҳаётга татбиқ этилади.

Айтиш жоизки, партия хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш, уларни касбларга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш борасида ҳам турли партиявий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, Мустақилликнинг 30 йиллиги муносабати билан “Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор аёллари” лойиҳаси амалга оширилади. Унинг доирасида давра суҳбати ва маҳорат дарслари, тадбиркор ногирон аёллар ўртасида миллий хунармандчилик кўргазма савдоси ҳамда меҳнат ярмаркалари ташкил этилади. Бу орқали 100 мингдан зиёд хотин-қиз қамраб олинади.

Эслатиш жоизки, ўтган вақт мобайнида партия вакиллари республика бўйлаб хонадонма-хонадон юриб, аҳоли муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратди. Жойларда шакллантирилаётган “Аёллар дафтари”га киритилган опа-сингилларимизга нафақат моддий кўмак беришга, балки уларни доимий иш билан таъминлаш мақсадида “Бир депутат – юз аёлга кўмакчи!” лойиҳасини амалга ошириш бошланган. Бундан мақсад ноиблар орқали уларнинг иш топишлари, бизнесни бошлашлари учун мотивация бериш, амалий кўмаклашиш назарда тутилган.

Қўшма мажлисда партиянинг қўйи бўғинлари раҳбарлари ҳам онлайн имконият орқали жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечими бўйича таклифлар беришди. Айниқса, таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини олиб бориш бўйича депутатлик гуруҳларининг фаоллигини ошириш лозимлигини таъкидлашди. Партиянинг асосий электорати бўлмиш тадбиркорлар ва фермерларнинг манфаатларини ҳимоялаш, уларни қўллаб-қувватлаш учун янада

яқин ва кўмакчи бўлиш даркорлигини эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари ҳам масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратди ва асосли танқид қилди.

Партия бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш учун аниқ чора-тадбирларни белгилаб олмоқда. Хусусан, фаолияти суст бўлган ҳудудий партия ташкилоти раҳбарларини алмаштириш ҳамда уларнинг ўрнини замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган кадрлар билан тўлдириш чоралари амалга оширилади. Қолаверса, парламент қўйи палатасидаги партия фракцияси билан ишлаш тизимини йўлга қўйилиб, дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда халқимиз кутаётган, мамлакатимиз ривожига хизмат қиладиган қонунчилик ташаббусларини илгари суриш ва мавжуд қонунлар ижросини қатъий депутатлик назоратига олиш ҳам эътибор марказида бўлади.

Тадбирда юқоридаги масалалар билан бирга маҳаллаларда ишлаш тизимини йўлга қўйиб, аъзолар ва хайрихоҳлар сонини кўпайтириш, партия ғоялари, сайловолди дастуридаги вазифаларни тушунтириш, маҳаллий кенгашдаги депутатлар орқали камбағалликни қисқартириш дастурлари устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш каби бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

Президентимизнинг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонидан келиб чиқадиган партия ва унинг фракцияси олдидаги устувор вазифалар ҳам муҳокама қилинди.

Очиқ-ошкора, савол-жавобларга бой тарзда ўтган қўшма йиғилишда, мазкур фармон ва унда белгиланган долзарб вазифаларни оғишмай амалга ошириш, давлат дастурининг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатлами орасида тарғиб қилиш ҳамда унда белгиланган устувор вазифалар самарали ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, кун тартибидеги бошқа масалалар ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**  
“XXI asr” мухбири.

**Суратларни Шухрат РАҲИМОВ олган.**



ча муҳокама этишга хизмат қилади. Сир эмас, бугунги сиёсатимизнинг асосий мақсади халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада оширишдир. Айниқса, камбағалликни қисқартириш ҳамда иқтисодий-иқтисодий локомотивлари ҳисобланган тадбиркорларни қўллаб-қувват-

кўмаклашиши зарурлиги таъкидланган. Бу борада О'zLiDeP ёшлар йўналишида олиб борилаётган ислохотларга ҳисса қўшиш, ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш борасида аниқ вазифаларни белгилаб олди. Келажакимиз ворисларига алоҳида эътибор қара-

# ТОШДАН ҚОҒОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН ТАДБИРКОР

## ёҳуд О'zLiDeP фаоли Абдурахмон Ниёзовнинг Президентимиз билан мулоқотдан кейинги ўйлари

**Ташриф манзил-миз тадбиркор, партиядошимиз Абдурахмон Ниёзов таъсисчилигидаги тошдан қоғоз ишлаб чиқариш корхонаси бўлди. Гап шундаки, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 5-6 июнь кунлари Фарғонага ташрифи доирасида ҳам айтилган лойиҳа тақдироти ўтказилганди. Мана, ролпа-роса саккиз ой деганда янги корхона ишга туширилди.**

Эътироф этиш керак, Абдурахмон ака мамлакатимизнинг кўзга кўринган ишбилармонларидан бири. Асли касби шифокор-жарроҳ бўлган бу инсон йигирма йилдан буён тадбиркорлик фаолияти билан машғул. Эътиборлиси, у йилдан йилга ранг-баранг янгиликлар устида бош қотиради ва уларни рўйбга чиқаради ҳам.

– Айти пайтда Фарғо-

“UzBent” – экологик тоза, гидроизоляция он маҳсулот, ўсимликларни химоя қилувчи “Препарат F-30” воситаси, бентонит тоши, грануласи, 40 турдаги рақамли ва аналогли эшитиш мосламалари ва ортопедик маҳсулотлар, “Far-Soda” 60 фоизлик каустик сода, “Far-Spas” ўт ўчириш суюқлиги ва кукуни, кўчма бурғулаш лабораторияси ҳамда фермер хўжаликлари учун сувнинг ҳарорати, лойқаланиш даражаси ва тиниқлиги, сув ҳавзасининг чуқурлиги ҳамда кальций, магний ва фосфор каби кимёвий элементларга бойлигини ўлчайдиган кўчма лаборатория жиҳозлари жамланмаси, синф доскаси, Тошкент шаҳрида эса эшитиш мосламалари ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур маҳсулотларга



Хитой, Тайван, Эрон ва Япониядан кейинги бешинчи давлатга айланди. Хитойлик ҳамкорлар кўмагида барпо этилган “Fergana stone rarer” кўшма корхонаси йилига 9 минг тонна қоғоз ишлаб чиқариш қувватига эга.

– Президентимизга

шу турдаги корхоналар ишга туширилса, импорт ҳажми сезиларли даражада камаяди. Тошкент шаҳри, Навоий ва Бухоро вилоятлари ишбилармонлари ҳам ушбу янгиликка қизиқиш билдиришмоқда.

Дарвоқе, айти пайтда Хитойнинг “GX-

шароитларни яратиб беришяпти. Ўзбекистон Президентининг ташрифидан биз ҳам беҳад қувондик. Ахир давлат раҳбарининг барча корхоналар фаолияти билан танишишга фурсати етмайди. Ўлкангизда яратилган тадбиркорлик ва иш-

ишлатилган буёқнинг ранги умуман ўчмайди. Тош қоғозидан гипсокартон, гулқоғоз ва арқон ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланилади.

Тиниб-тинчимас Абдурахмон ака 4 та янги лойиҳа – иссиқхоналар томини ёпишга мўлжалланган, 50 йиллик кафолатга эга поликарбонат профил (шишасимон маҳсулот), балиқ, товуқ, ловия ва нўхат консерваси, ёнғинга қарши мослама ҳамда бир марталик идиш ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Натижада айти пайтда меҳнат қилаётган ишчилар сафи янада кенгайди.

Яна бир гап. Қаҳрамонимизнинг бундай юксак муваффақиятларида рафиқаси Мавлуда опа Тошматова ҳамда фарзандлари Жаҳонгир, Жасур, Бобуржон ва Машхура-



на шаҳрида “Сайқал” савдо ишлаб чиқариш корхонамиз таъсисчилигидаги “UD-audiofon” МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Германия кўшма корхонаси, “Farg'ona polimer”, “Far pribor” ва “Far-drilling chemicals” (“Фарғона бурғулаш кимёси”) масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда бир марталик елим идишлар ишлаб чиқарувчи корхонамизда 55 турдан ортиқ маҳсулотлар тайёрланмоқда, – дейди қаҳрамонимиз биз билан суҳбатда. – Хусусан, 6 турдаги ногиронлик аравачаси, “Rollator-3” ва “Rollator-4” етакловчи болалар велосипеди,

ҳозир юртимизда эҳтиёж жуда катта.

Буни қарангки, пойтахтимизда нафақат эшитиш мосламалари ишлаб чиқарилмоқда, балки эшитиш марказида ҳам ташкил қилинган. У ерда эшитишда нуқсонли бор инсонлар реабилитация қилинади, улар билан сурдопедагог, дефектолог ва бошқа тор доира мутахассислари иш олиб боради.

Тадбиркорнинг тошдан қоғоз ишлаб чиқариш лойиҳаси нафақат республикамизда, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам ягонадир. Умуман олганда, Ўзбекистон тошдан қоғоз ишлаб чиқариш бўйича

ушбу ишлар ҳақида батафсил сўзлаб бердим. Фаолиятимизни ойнаи жаҳон орқали кузатиб бораётганликларини маълум қилиб, бизга юксак ишонч билдирдилар. Бу ишонч жамомизга ғайрат-шижоат бағишлади, – дея мамнунлигини изҳор этади Абдурахмон Ниёзов.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ана шундай лойиҳани амалга ошириш юзасидан кўрсатма берди. Негаки, айти пайтда юртимизга 550 миллион долларлик қоғоз импорт қилинаёттир. Агар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизда

Tech” компаниясининг 7 нафар мутахассиси йиғиш-бутлаш, технологияни ишлатиш ва бошқа муҳим жиҳатларни маҳаллий мутахассисларга ўргатмоқда. ЎЗА фотомухбири Муқимжон Қодиров иккимиз корхона фаолияти билан танишиш асносида таржимон йигит Ойбек Хўжамбердиев ёрдамида муҳандис-конструктор Жао Жин Ганг, муҳандис ёрдамчиси Хао Ёнг Жи, электрик Жао Гуанг Сон ва электрик ёрдамчиси Чинг Жун Жин билан мулоқот қилдик.

– Уч ойдан бери Фарғонадамиз. Вилоят раҳбари ва бошқа масъуллар бизга зарур

билармонлик муҳити таҳсинга лойиқ. Ўзбек халқининг меҳмондўстлигидан ҳам бағоят миннатдоримиз. Айтиқса, ҳар бир иш бошида яхши ниятлар ила дуо қилиниши эътиборимни тортди. Биз ҳақимизда ёзсангиз, газетани Хитойга юборамиз, – дея ўз мамнунлигини изҳор қилди Жао Жин Ганг.

Фарғона қоғози экологик тоза, қуёш ва сувга чидамли ҳамда ёғ ва доғлар юқмайдиган маҳсулот бўлади. Айтиқса, матбаачилиқда жуда фойдали хомашё саналади. Масалан, матбуот нашрларини чоп этишда буёқ сарфи камаяди. Шунингдек,

нинг ҳиссаси ҳам бекиёс. Масалан, Бобуржон Тошкентдаги ишларни бошқаради. Касби врач бўлган Машхура эса ногиронларни тиббий текширувдан ўтказиб, тегишли турдаги мосламаларни тавсия этади.

Бир сўз билан айтганда, Абдурахмон Ниёзовнинг ишбилармонлиги ва изланувчанлиги бошқа юртдошларимизга ҳам ўрнак бўлади. Шундай экан, биз ҳам унинг истиқболли режалари бекаму-кўст амалга ошишига тилакдошимиз.

**Хуршид СУЛТОНОВ,**  
журналист

**Муқимжон Қодиров**  
(ЎЗА) олган суратлар.

# КЛАСТЕР БИЗГА

**Роппа-роса тўрт йил аввал Президентимиз Шавкат Мирзиёев юртимизда агрокластерлар барпо этиш гоёсини илгари сурган эди. Шундан буён иш юритишнинг янги шакли тобора оммалашиб борапти. Амалиёт мазкур ташаббуснинг гоёти пухта ўйлангани, самарадорликка, тараққиётга элтувчи энг яқин йўл эканини кўрсатяпти.**

**Кластер тизимида ер эгаси, тайёр маҳсулотлар, ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда уларга турли хизматлар кўрсатувчи тузилмалар иқтисодий, ҳудудий, логистика ва бошқа ришталар билан чамбарчас боғланади, бири бирини астойдил қўллаб-қувватлашдан манфаатдор бўлади, бирининг ютуғи иккинчиси, учинчисининг ҳам иши юришишини англатади. Агрокластер тизими ўзини оқлаётганини кўрсатувчи аниқ, ҳаётий мисоллар борми? Янги хизмат услубга ўтишга қандай зарурат бор эди? Қуйида келтириладиган фикр-мулоҳазалар орқали шу каби саволларга жавоб беришга уриндик.**

## АФЗАЛЛИКЛАРИ ТОБОРА ЯҚҚОЛРОҚ КЎРИНЯПТИ

**Шохрух ҚУРБОНОВ:**

– 2018 йил февралда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида пахтачилик-тўқимачилик кластери – “Khantex Group” МЧЖ ташкил этилган. Пахта етиштириш учун унга 8 136 гектар ер ажратилди. Биринчи навбатда ерга ишлов беришга эътибор қаратилди, янги услублар, ёндашувлар жорий қилинди. Режаларни амалга ошириш учун “John Deere”, “Case”, “Monosem”, “Sfoggia”, “Ortman” сингари машхур

ларда бу кўрсаткич 34 центнердан ошмаяпти). Бу чегара эмас. 2019 йилда Исроилнинг “Netafin” компанияси кўмаги билан 81 гектар пахтазорга томчилатиб суғориш технологияси ўрнатилди ва ҳар гектардан 61,2 центнердан ҳосил олинди.

Шунингдек, текстиль мажмуаси тўлиқ қуриб битказилди ва ишга туширилди. Корхонада йилига 10,4 минг тонна, яъни кластерга қарашли ерларда етиштирилувчи пахта тўлиқ қайта ишланиб, 9,4 минг тонна ип-калава, 2,1 минг тонна трикотаж мато ва 10 млн. дона тайёр тикув трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. 40 млн. долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилади.

Жойлардаги ишсизлик муаммоси ҳал қилинишига ҳам кластер салмоқ-

иш олиб борапти. Масалан, 2020 йилда тажрибалар йўли билан 2 минг 800 тонна сифатли, серҳосил буғдой ва ғўза уруғликлари етиштирилди.

Яқин истиқболда шундай ишларни амалга ошириш режалаштириляптики, улар кластер фаолияти янада такомиллашишига, самарадорлик ортишига хизмат қилади. Баъзиларига тўхталамиз.

Шу йили 196 минг еврога Италиянинг “Mara” компанияси ишлаб чиқарётган 7 дона лазерли ер текислаш ускунаси сотиб олинади.

Чигит, pista ва сояни қайта ишлаб, рафинацияланган ёғ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида кластер негизда “Khantex Oil” МЧЖ ёғ-экстракция корхонаси ташкил этилади. Шу кунларда Италия, Гер-

фойда олиш кўзда тутилмаяпти, яъни тушумнинг ҳаммаси иш ҳақи, жиҳозлаш, таъмирлаш кабиларга йўналтирилади.

Кластер дуч келаётган баъзи қийинчиликларни ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни билдириш жоиз.

Чет эл кредит линиялари маблағларини жалб қилаётган маҳаллий тижорат банкларининг маржаси юқори. Масалан, Германиянинг Коммерцбанк ёки Ландесбанк кредит линиялари маблағларининг йиллик фоиз ставкаси ўртача 0,75-1 фоиз. Бироқ кластер корхоналари бу маблағларни йиллик 5-6 фоиз ставка билан олишмоқда. Бу эса лойиҳа ўзини қоплаш муддатининг кечикиши, кредит мажбуриятлари ошишига олиб келмоқда. Маҳаллий банклар ставкалари хорижий молия муассасалариникига мувофиқ бўлиши зарур.

Пандемия маълум сабабларга кўра кластерларга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Шу боис кредитлар қайтарилиши муддатлари узайтирилса, айти муддао бўлар эди.

## ҲАММАСИ АВВАЛГИДЕК ҚОЛАВЕРСА БЎЛМАЙДИМИ?

**Одил ОЛИМЖОНОВ,**  
**иқтисодиёт фанлари**  
**доктори, профессор;**  
**Нодирбек РАСУЛОВ,**  
**иқтисодиёт фанлари номзоди,**  
**доцент;**

– Мазкур саволга муфассал жавоб бериш учун аслида каттагина мақола, балки туркум мақолалар ёзиш керак. Лекин замон талабидан келиб чиқиб, фикримизни лўнда ифодалашга ҳаракат қиламиз.

Кластернинг моҳияти шуки, унинг таркибидаги хўжаликлар, корхоналар, муассасалар хомашёни етиштиришдан тортиб, тайёр маҳсулот вужудга келиши ва уни сотишгача бўлган жараёнда битта яхлит жамоага бирлашади. Натижада таннарх пасаяди ва кўпроқ фойда олиш имкони юзага келади.

Хорижий давлатларда кластерлар иқтисодиётнинг барча тармоқларида аллақачон етакчи тизимга айланган. Масалан, АҚШда хусусий сектордаги одамларнинг 32 фоизи, Швецияда меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг 39 фоизи кластерларда ишлайди. Ҳиндистон кластерларида мамлакат экспортининг 60 фоиздан кўпроғи ишлаб чиқарилади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини кластерлаштиришдан кўзланган мақсад – аграр соҳанинг хомашёга йўналтирилганлигини тугатиш, уни саноатлаштириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва фойдани кескин кўпайтиришдан иборат. Гарчи пахта-тўқимачилик кластерларимиз



компаниялардан жами 396 та қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилинди. Янги ёндашув самараси дарҳол сезилди. Хусусан, замонавий пневматик сеялаларда қадалиши туфайли ҳар гектарга 70-80 кг. эмас, 35-40 кг. дан чигит сарфланди ва 650 минг сўмдан маблағ иқтисод қилинди. Агротехник тадбирлар тўлиқ механизациялаштирилди. Янги турдаги минерал ўғитлар ишлатила бошланди. Қисқаси, икки йил мобайнида ғўзани ўстириш билан боғлиқ харажатлар 30 фоизга камайди. Пахта ҳосилдорлиги эса гектарига 41 центнерга етди (кластер тизимига кирмаган хўжали-

ли ҳисса қўшяпти. Нафақат Қўрғонтепа, балки, қўшни туманлардан ҳам келиб, ишлаяпти. Дала юмушларида 3 минг 200 нафар, текстиль мажмуасида 2 минг, пахта қайта ишлаш корхонасида 200, жами 5 минг 400 нафар йигит-қиз иш билан банд.

Пахтачилик-тўқимачилик кластери қошида 2020 йил февраль ойида “Khantex innovatsion ilmiy-amaliy ishlab chiqarish markazi” ташкил этилди. Ҳозирда марказ туман микроклими, тупроқ ва сув шароитидан келиб чиқиб, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, эртапишар, кўп тола берувчи навлар яратиш устида

мания ва бошқа давлатлардан зарур ускуналар келтирилмоқда.

Туманнинг Савай мавзесида мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва хорижга экспорт қилиш заводи, чорва моллари терисини қайта ишлаш ва пойабзал ишлаб чиқариш фабрикалари қурилиши бошланди. Улар ишга тушгач, 2 минг киши иш билан таъминланади.

Кластерда меҳнат қилаётганлар учун 500 ўринли профилактория қурилади. Шунингдек, тумандаги 21 та мавзеда миллий ҳаммом ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилади. Эътиборлиси, улардан

# НИМА БЕРАДИ?

ташкил этилганидан буён ҳали кўп вақт ўтмаган эса-да, уларнинг аҳоли турмуш даражасини оширишдаги аҳамияти яққол сезиляпти.

“Кластерлаштиришни амалга оширмаслигимиз ҳам мумкин эдими?”, сингари саволлар пайдо бўляпти. Жавоб куйидагича: бугунги глобаллашув даврида аграр соҳани кластерлаштирмасдан туриб, жаҳон бозорига чиқишнинг иложи йўқ. Бинобарин, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини кластерлаштириш ўз вақтида амалга оширилган ислохот бўлди.

## ЯНГИ ТИЗИМ ЖОНИМИЗГА ОРА КИРДИ

**Самад НУРАЛИЕВ.**  
Чироқчи туманидаги “Нуралиев Улугбек Искандарович” фермер хўжалиги бошлиғи:

– Минерал ўғит, сув, ёнилғи таъминоти яхши бўлмаса, энг тажрибали деҳқоннинг ҳам меҳнати зое кетади. Узоқ йиллар агроном, фермер бўлиб ишлаб, шунга амин бўлганман.

2010 йилдан буён Чироқчи тумани Кўкдала қишлоғидаги фермер хўжалиги раҳбариман. Неча йиллардан бери биз – мазкур ҳудуддаги фермерлар ўғит, ёқилғи, сув таъминоти ёмонлигидан қийналардик. Айниқса, экинларнинг сувсизликдан “караҳт” бўлаётганини кўриш азоб эди. Айнан оби ҳаёт етишмовчилиги сабабли кўп фермерларнинг ишдан кўнгли совиб, ерини топшириб кетганига гувоҳ бўлдим.

Деҳқонлар тилида айтганда, охириги қулоқмиз. Бизга сув Зарафшон дарёсидан Дарғом, Эски анҳор каналлари орқали келади. Сув истеъмолчилари уюшмаси ҳам муаммони ҳал қилолмади. Умримиз далада эмас, каналлар бўйида ўтарди. Қанча елиб-югурмайлик, сув танқислиги боис экинлар гул ташлаб, яхши ривожланмасди. Режани бажара олмай, юзимиз шувут бўларди.

2020 йили 100 га яқин фермер хўжалиги “Чироқчи кластер” пахтачилик-тўқимачилик кластерига бирлашди. Шу иш илгарироқ амалга ошса бўлмасмиди? Эндиликда сурункали тус олган муаммоларимиз буткул барҳам топди.

Кўп йиллар шу далаларда тер тўкиб, ўтган йилгидек баракали ҳосил олманман. 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта йиғиб-тегириб олиб, шартномани ортиғи билан

бажардик. Ўн йил деганда юзимиз ёрув бўлди. Фаллачиликда ҳам сезиларли ютуққа эришдик. Олинган фойдадан тарвуз шарбати ишлаб чиқариш цехини ишга туширишни режалаштиряпмиз. Буларнинг барчаси кластер тизими шарофати. Бу тизим фермерларнинг ишонган боғи, суянган тоғи бўлиб қолишига шубҳам йўқ.

## МАНФААТЛАР БОҒЛАНСАГИНА ЎСИШ БЎЛАДИ

**Тўлкин ФАЙЗИЕВ.**  
O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши раиси,  
вилоят кенгаши депутати:

– Президентимиз агрокластерларга мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг келажаги сифатида қарамоқда. Бу бежиз эмас. Аграр соҳа қанчалик саноатлашса, давлатнинг иқтисодий ва экспорт салоҳияти шунчалик ортади, халқимиз фаровонлиги юксалади.



Ҳудудлар иқтисодиёти ривожланишида кластер усулининг асосий афзалликларидан бири – иқтисодий омиллар таъсири кучайиши ва маъмурий омиллар ролининг сусайишидир.

Айримлар мазкур жараёнларни фермерликдан кластер тизимига ўтиш, деб тушунапти. Ваҳоланки, фермер хўжалиги кластернинг бир бўғини, таркибий қисми. Юз бераётган ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги тубдан ислох қилинаётганини англатади.

Тошкент вилоятида турли йўналишларга ихтисослашган 98 та кластер фаолият юритяпти. Ўтган йили вилоятда етиштирилган пахта хомашёсининг 45 фоизи 7 та пахтачилик-тўқимачилик кластери ҳиссасига тўғри келгани, ҳосилдорлик 2019 йилдагига нисбатан



бир ярим баробар ошгани алоҳида эътиборга молик.

Депутат, партия ҳудудий кенгаши раиси сифатида кластерлар фаолияти билан ҳам танишяпман, ишчи-хизматчилари билан суҳбатлашяпман. Янги тизимнинг афзалликларидан бири шуки, оддий ишчилар ҳам қишин-ёзин ишлайди, маош, ҳатто мукофот пули олади. Масалан, ҳали дала ишлари бошланмаган ҳозирги кунларда Қуйи Чирчиқ туманидаги “ТСТ Agro Cluster”да ишчилар биогумус тайёрлаш билан шуғулланыпти.

Хуллас, ерга ишлов берувчилардан тортиб, маҳсулотни сотувчиларгача бўлганларнинг манфаати бир-бирига чамбарчас боғлангандагина аграр соҳа жадал ривожланади. Шундан келиб чиққан ҳолда биз бутун салоҳиятимизни ишга солиб, кластер тизimini қўллаб-қувватлаймиз, улар дуч келаётган қийинчиликларни бартараф этишга ҳисса қўшамиз.

## ИНТЕГРАЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯ САРИ

**Олим ПАРДАЕВ.**  
иқтисодиёт фанлари доктори:

– Бундан ўн бир йил муқаддам кластер тизимини мамлакатимизда ҳам амалга татбиқ қилиш зарур, деган хулосага келиб, “Боғдан дастурхонгача” кластерининг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиққандик. Бу йўналишдаги тадқиқотларимиз бир мунча муддат эътибордан четда қолди. Ниҳоят, юртимизда янгилашлар эпкинни эсиб, кластер тизимининг афзалликлари эътироф этилди.

Бугунги кунда дунёдаги илғор давлатлар иқтисодиётининг қарийб 50 фоизи кластер усулига ўтган. Масалан, Европа Иттифоқида 2 мингдан зиёд кластер мавжуд. Улар ишчи кучининг 38 фоизини қамраган. Дания, Финляндия, Норвегия, Швеция саноатига бу усул тўлиқ татбиқ қилинган. Мамлакатимизда мазкур тизим жадал ривожланиш босқичида. Бир неча йил олдин кластерлар фақат аграр соҳада бунёд қилинган

бўлса, эндиликда бошқа тармоқларда ҳам бўй кўрсатяпти.

АҚШдаги “Силикон водийси” номи билан дунёга машҳур кластерга ҳавас қилса арзийди. Унинг таркибига 87 мингта компания, 40 та тадқиқот маркази ва ўнлаб университетлар кирган. Мазкур инновацион кластер инфратузилмасига 180 та венчур фирмаси, 47 та инвестиция ва 700 та тижорат банки хизмат кўрсатяпти. Бизда ҳам тармоқ ва тармоқлараро кластерлар барпо этиляпти.

Хўш, кластер бизга қандай наф келтиради?

1. Хомашё етиштириш, уни ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш – буларнинг барчаси битта субъект томонидан амалга оширилади. Маҳсулот арзон ва сифатли бўлади.

2. Хўжаликлар, корхоналарнинг тизимли занжири ташкил қилиниши эвазига турли йўқотишлар камаяди ва хомашёга муҳтожлик сингари ҳолатлар барҳам топади.

3. Қишлоққа саноатнинг кириб бориши туфайли одамлар индустриал меҳнат бобида ҳам кўникма, малака ҳосил қилади. Инновацион ғояларнинг айнан қишлоқларда шаклланиш имконияти юзага келади.

4. Қишлоқларда аҳолини иш билан таъминлаш имконияти кенгайди.

5. Кластер таркибидаги хўжаликлар, корхоналар ва бошқа субъектларнинг барқарор ишлаши таъминланади.

6. Кластерга асосланган иш юртиш механизми ҳар қандай шароитга мослаша олади, шунинг баробарида иқтисодий, ижтимоий муаммолар ҳал қилинишига кўмаклашади.

7. Бир қанча соҳалар мутахассислари кооперацияси вужудга келади. Бу ўз навбатида инновацион иқтисодиётга ўтиш учун йўл очади.

Келгусида асосан пахта етиштирувчи 133 та туманимиздан 70 таси тўлиқ кластер тизимига ўтишини таъкидлаш зарур.

Ҳозирда Самарқанд вилоятида 44 та кластер фаолият юритяпти. Вақт ўтгани сайин уларнинг бошқа тузилмаларга нисбатан афзалликлари яққолроқ намоён бўляпти.

Қўшсаҳифа материалларини  
“XXI asr” мухбири  
Беҳзод ИСРОИЛОВ тайёрлади.



# Талабалар учун “ИЖТИМОЙ УЙ”лар қурилса...



Таклиф

**Баҳромжон РАҲМОНАЛИЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутаты,  
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Ҳар гал янги ўқув йили арафасида пойтахтимиздаги талабалар турар-жойларида ўрин етишмаслиги сабабли ётоқхона масаласи бот-бот ўртага чиқади. Вилоятлардан келиб, Тошкент шаҳрида таҳсил олаётган йигит-қизлар билан суҳбатлашганингизда кўпчилиги ижарада яшашини, нархлар юқорилиги, ўқишга қатнашда манзил узоқлиги боис қийинчиликка дуч келаётганини айтишади. Хусусий уйларда ижарага туришнинг ойлик ҳақи камида 2 млн. сўмдан бошланади.

Агар 4 талаба истиқомат қилса, киши бошига 500 минг сўмдан тушади. Коммунал тўловлар бундан мустасно.

Президентимиз ёшларимизнинг университетда таҳсил олиши учун барча қулайликлар яратилиши, мак-

таб битирувчиларининг олий таълим билан қамраб олиш кўламини келгусида 50-60 фоизга етказилиши зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Табиийки, шу аснода талабаларнинг турар-жойга талаби ҳам ошиб бора-

ди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотига кўра, ОТМларда жами 225 та талабалар турар-жойи мавжуд бўлиб, 60 мингга яқин йигит-қизни қабул қилиш имконига эга. Бу эса эҳтиёжнинг атиги 30-35 фоизини қамраб олиши мумкин.

Муаммони ҳал этиш учун талабаларга ижарага бериладиган “Ижтимоий уй”лар қуришни таклиф қилмоқчимиз. Лойиҳа давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилади. Бунинг учун тадбиркорларга паст фоизли ва узоқ муддатли кредитлар ажратили-

ши лозим. “Ижтимоий уй”лар арзон, сифатли ва талабларга жавоб бердиган, ижара пулини тўлашда оғирлик туғдирмайдиган бўлиши керак. Энг асосийси, талабалар учун катта ўқув зали, кутубхона ва Wi-Fi бўлиши жуда муҳимдир. Мазкур хайрли ташаббус амалга ошадиган бўлса, олий таълим олиш истагида пойтахтимизга келаётган талабалар ижарага турар-жой излаб сарсон бўлмайди, ота-оналарнинг ҳам кўнгли хотиржам тортади. Илм йўлидаги ёшларимизни қўллаб-қувватлашга яна бир имконият яратилади.

## Ижобий имиж қандай яратилади? Ёхуд шу йўналишдаги партиявий лойиҳалар кутилган натижа беряптими?

О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши “Аёллар қаноти” Қонлиқўл туманида “Етакчи хотин-қизлар – жамият таянчи” мавзусида ўтказган семинарда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими мутахассислари, олий таълим муассасалари ўқитувчилари, тадбиркорлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Мулоқот давомида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган фармон ва қарорларнинг аҳамияти, гендер тенглиги, юртимизда лидер аёллар имижини яратиш, уларнинг нотиклик қобилиятини янада ривожлантириш, менталитетимизга мос келмайдиган хавф-хатарлардан ҳимоялаш, оилада тиббий маданиятни ошириш ва фарзанд тарбиясига эътибор қаратиш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Қорақалпоқ давлат университети миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди, до-

цент Алмагул Байрыева лидер аёлнинг имижини яратишда кўпроқ нималарга эътибор қаратиш кераклигини моҳир педагог сифатида оддий мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қилди. Хусусан, ишни ташкил этиш, ҳар бир жараёни баҳолаш, кўзланган мақсадга эришишни доимий назорат қилиш, вақтнинг қадрига етишнинг аҳамиятини очиб берди.

– Мамлакатимизда сўнгги йилларда хотин-қизларга эътибор сезиларли равишда кучайди, – дейди Нукус давлат педагогика институти ҳуқуқшуноси Б. Арзиева. – Аёлларнинг манфаатларини муҳофаза-

лаш, обрў-эътибори, мавқеини ошириш борасида тизимли иш-лохотлар амалга оширилади.

Қонлиқўл туманидаги “Камила текстиль” корхонаси раҳбари Тазагул Тўремуратова, “Сапар-Дилбар” хусусий корхонаси раҳбари Лаззат Ешбаева партиянинг тадбиркор аёл имижини яратишга йўналтирилган лойиҳаларига тўхталди. Бу борада нималарга жиддий эътибор қаратиш кераклиги, ишбилармон хотин-қизларимиз уйда, ишхонада, кўча-куйда ҳаммага ўрнатилган бўлиш лозимлигини қайд этишди.

Фаол тадбиркор опа-сингилларимиз “Аёллар даф-



тари”га кирган, уйда ишсиз ўтирган 40 нафар хотин-қизни касбга йўналтириш мақсадида уч ой беғул ўқув курсларини ташкил қилишга келишиб олишди. Тадбир охирида партия сафига қабул қилинган 20

нафар хотин-қизга О'зЛиДеР гувоҳномалари топширилди.

**О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати**



# Кўзёшларим олтин бўлди

**дейди “Ишбилармон аёл – 2020”  
кўрик-танловининг республика босқичи  
биринчи ўрин соҳибаси, Наманган туманидаги  
“Муродбахш Диёр” кўп тармоқли фермер  
хўжалиги раҳбари Тўпанисо Райимжонова**

XXI ASR

**Тўпанисо ая билан гап-лашсангиз, ёшини етмишдан ошган деб сира ўйламайсиз. Файрату шижоати билан сизни лол қолдиради. Сўхбатлари ердан бошланиб ер билан тугайди.**

– Тўрт ёшимдан далага чиққанман, – дейди онахон. – 1950 йили отам Мирзачўлни ўзлаштириш учун мутахассис сифатида чақириб олинган. Оиламиз ҳозирги Гулистон шаҳрига кўчиб боргач, мен ўша ерда туғилганман. Балки меҳнатсиз тура олмаслигим, ерни қадрлашимнинг асл сабаби шундадир.

Наманганга қайтиб келганимиздан сўнг ўттиз йил мураббий бўлиб ишладим. Пенсияга чиққач, яъни 2000 йилга келиб “Муродбахш Диёр” фермер хўжалигини ташкил этдим. Еримизнинг умумий майдони 62 гектар. 57 гектари пахта ва ғалла бўлиб, йилига 280 тонна атрофида ҳосил етиштирамиз, давлат режасини ортиғи билан бажариб келяпмиз. 5 гектар ерда интенсив боғ ташкил этганмиз. Ҳар йили гилос, олма, апельсин, мандарин ҳамда лимонарийдан 40 тоннага яқин ҳосил оламиз. Иссиқхонада помидор-бодринг етиштириб, аҳоли дастурхонига етказиб берамиз.

Австралиядан келтирилган 25 бош қорамол ҳамда 25 бош қўй боқяпмиз. Сигирларнинг ҳар бири 25 литрдан сут беради. Соғиб олинган сутларни қайта ишлаш корхоналарига топширамиз. Лолани жудаям яхши кўраман. 10 сотих ерда лола етиштирамиз, шу боис Россия, Қозоғистонга экспорт қиламиз. Энди киви қаламчаларини

олиб келиб, аҳолига бу мевани ҳам арзон нархларда етказиб бермоқчимиз.

Тадбиркор кўпайса, маҳалланинг бахти! Аввало, ишбилармоннинг босган ҳар бир изи ёшларга ибрат бўлади, иккинчидан, шу баҳонада аҳолининг маълум қисми ишли бўлади. Турли йўллар билан бола-чақа боқаман деб иш қидириб узоқларга кетиб қолмайди...

Маҳалламиз ҳудуддаги ишсизларнинг 30 нафарини доимий, 70 нафарини мавсумий иш билан банд қилганмиз. Ҳамма ютуқларимиз аслида уларнинг пешона тери эвазига келган. Иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, ҳаммаша ҳозир нозир бўлиб коримга ярайдиган шулар. Уларсиз мен нима ҳам қила олардим?!

Ҳа, онахоннинг камтарлиги ва меҳрибонлигига тан бермай илож йўқ. Шу боис у кишини кўрган борки, қўлини кўксига қўйиб салом бериб ўтади. Тўпанисо ая ўнг қўли берганини чап қўли билмайдиганлардан. Мана шу хўжалик ортидан топган даромадидан кам таъминланган, муҳтожларга баҳоли кудрат ёрдам беради, хаста-беморлар ҳолидан беминнат хабар олади. Йўл-йўлакай кўни-кўшнию гузардошларининг ранги-рўйига сездирмай назар солади, гумонда бўлганларининг ҳолини зимдан суриштиради. Қийналса-да бировга тиш ёрмай сабр билан яшаётган хотин-қизларга, ёлғизларга қўлидан келгунича кўмак беради.

Ана шундай саховатли ишларидан айримларини ёзмасак, инсофдан бўлмас. Серфарзанд икки оиланинг ҳар бирига 6 сотихдан иборат ер майдонига уй қуриб берди. Кенг ва катта хонали, кўрган одамнинг кўзини қувнатадиган тураржойларда ҳозир эгалари бахтли яшаб, қўли очиқ онахонни туну кун дуо қилишаётгани аниқ.

Намангандаги Меҳрибонлик уйлариининг остонасидан ҳам онахон тез-тез ҳатлаб туради. Кўнгилни қувнатадиган совға-саломлар, боғлардан янги узилган сархил мевалар кимни хур-



санд этмайди дейсиз?! Ҳеч бир байрам у кишининг йўқловисиз ўтмайди.

Ўтган йили кам таъминланган оилаларнинг 7 нафар фарзандига хатна тўйи ўтказиб берди. Пошшолардек ясанган болажонлар эртақлар оламига бир сайр қилдилар-ей, кўзчалари порлаб. Яна, рўзғор учун керакли буюмлар ҳам ҳада этилди...

– Кейинги режам фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида мева-сабзавот ва сутни қайта ишлаш корхонаси ҳамда тикув цехи ташкил этиш. Бу ният амалга ошса, яна қанча инсон иш билан банд бўлишини тасаввур қилаверинг. Албатта, шу пайтгача менинг ҳар бир режамни қўллаб-қувватлаб, назарий ва амалий кўмак бериб келаётган, меҳнатларимни кўрсатиб, мени янада руҳлантираётган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан миннатдорман. Беш йил аввал ушбу сиёсий кучнинг ташаббуси билан “Агробанк”нинг вилоят филиалидан 1 миллиард сўм кредит олгандик. Ўшандан сўнг ишларимиз янада жадаллашди, хирмомимиз баландга бўйлади. Ўзим ва барча ишчиларим ҳам айни партия аъзосимиз.

**– Аяжон, ишлаган одам қаримайди деган гап ҳам юради одамлар орасида. Кўп эшитганмиз, бу қанчалик рост деб ўйлайсиз?**

– Нафақат қаритмайди, балки умрни ҳам узайтиради, инсонни юксалтиради қизим, мартабасини улуғ қилади. Бежиз қўлинг меҳнатда, дилинг Аллоҳда бўлсин, демаганлар улуғ авлиё Нақшбанд ҳазратлари. Умр бўйи мана шу ҳикматга амал қилиб яшадим. Шукрки, кам бўлмадим. 29 ёшимда турмуш ўртоғим вафот этиб, беш гўдагим билан ёлғиз қолгандим. Фамни ютиш, бировга дард ёрмаслик учун ҳам ерга ёпишдим (кафтлари билан тупроқни силаб қўядилар). Болаларим ёш бўлишига қарамай, ёнимга кирди. Мана шу бир парча ергина бизни аввал овутиди, сўнг едирди, кийдирди, ҳеч кимдан кам қилмади. Кўзёшларимни шимиб олиб, эвазига олтинларини ҳада этди. Мана, бугун, дилбандларимнинг бариси олий маълумотли, эл корига яраб юрибди. Мендан бахтли инсон йўқ бугун бу оламда, ўргилай. Шунинг учун ёшларга, шогирдларимга кўп айтаман: “Меҳнатдан яхши дўст йўқ бу оламда!”

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
“XXI asr” мухбири**



Мутаффакир ва донишманд ҳазрат Алишер Навоий ҳақида сўз кетгудек бўлса, қозоқ халқининг улуғ шоири Абай Қунанбаевни ҳам беихтиёр ёдга оламиз.

## Навоий Абайнинг устози бўлганми?

Хўжа Ҳофиз – Сиз ҳаммангиз, Мадад беринг, қилманг осий, дея мир Алишер Навоийни ўзига руҳан устоз санаган. Ёки яна бир мисол, Навоий “Садди Искандарий”

буюк мутафаккир бобомизнинг асарларини, бой илмий-адабий меросини ўрганиш, тарғиб қилиш борасидаги ишларнинг кўламини яна кенгайтиради. Мазкур ҳужжат билан ул зотнинг ўлмас асарларини хорижий тилларга таржима қилиш, республикамизда, халқаро мамлакатлар матбуотларида нашр этиш, ҳар йили 9 февраль кунини халқаро конференция ва Навоийхонлик кунлари этиб белгилангани халқимиз кўнглидаги савобли иш бўлди.

Эслаш ўринлики, 2018 йил 13 март куни юртбошимиз Абай Қунанбаев ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш



Гарчи Алишер Навоий XV, Абай Қунанбаев эса XIX асрда яшаган бўлсалар-да, уларнинг ҳаёт, ижод йўли ва буюк мақсадлари муштаракдир. Навоий 7-8 ёшларидан бошлаб ғазаллар битиб, 15-16 ёшидаёқ зуллисонан – ҳам туркий, ҳам форсий тилларда ижод қилгучи шоир сифатида танилган бўлса, Абай ҳам 10-14 ёшидан эл орасида доврўф қозона бошлаган. Табиийки, улар орасида еру осмонча фарқ бор, лекин Абай устозидан руҳ олган, илҳомланган десам муболаға бўлмайди.

Масалан, 14 ёшли Абай: Фузулий, Шамсий, Сайқалий, Навоий, Саъдий, Фирдавсий,

асарини ёзган бўлса, Абай “Ескендир қорғанын”ни ёзди. Ҳазрат Навоий тўғрисида Ойбек “Навоий” романини яратган, Абай Қунанбаев ҳақида қозоқ ёзувчиси Мухтор Ауезов “Абай жолы” романини ёзди.

“Навоий” романи қозоқ тилига таржима қилинган бўлса, Садди Искандарийнинг Халижан Бекқожин таржимаси қозоқ мактабларининг қозоқ адабиёти дарсликларидан киритилган...

2021 йил 4 февраль куни Президентимиз “Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорни имзолаши ҳам

бўйича қарор қабул қилган эди. Ушбу қарор билан ҳар йили 10 август – буюк шоир Абай туғилган кунда барча таълим муассасалари ва олий ўқув юртларида ёшлар ўртасида “Абай асари билимдонлари” танлови ўтказилапти.

Бундан кўриниб турибдики, ҳеч қачон бу икки зот меросини айро ўргана олмаймиз. Улар, муболағасиз айтиш керакки, барча халқларнинг мангуликка дахлдор кўприги вазифасини ўтайди.

**Ақшагул ТУЛЕГЕНОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

« Бошланиши 1-саҳифада.

Мамлакатимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатламини, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида янги механизмлар яратилди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”нинг юритилиши, маҳаллабай ишлашга ўтилгани қанчалик тўғри қарор

2 333 нафар бўлиб, уларнинг ҳар бири йил давомида “Аёллар дафтари”даги 100 нафар хотин-қизнинг муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашса, 233 мингдан зиёд опа-сингилларимиз ишга жойлашиш, кредит олиш, касб-ҳунар ўрганиш, тадбиркорликни бошлаш ва маиший-турмуш шароитини яхшилаш имконига эга

## Оила ва жамиятнинг суянчимиз

эканига ҳудудларга борганда ўзимиз гувоҳ бўляпмиз.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган гоё ва мақсадларга эришиш, ислохотлар самарадорлигини янада оширишга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида O‘zLiDeP “Аёллар қаноти”нинг дастурини ишлаб чиқдик. Дастур беш йўналишдан иборат бўлиб, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, маънавий-марифий ишлар самарадорлигини ошириш ва мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, жумладан, “Аёллар қаноти”нинг хайрли ташаббусларини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш масалалари ўрин олган.

Партиямиз гоё ва мақсадларини кенг тарғиб этиш орқали маслақдошларимиз сафида аёллар улушини кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Опа-сингилларимиз раҳбарлигидаги тадбиркорлик субъектларида бошланғич партия ташкилотларини тузиш, барча даражадаги депутатларни жалб қилган ҳолда “Бир депутат – 100 аёлга кўмакчи” лойиҳасини кенгроқ амалга оширишни мўлжаллаяпмиз. Бугун партиямиздан сайланган депутатларимиз

бўлади.

“Фаровон оила”, “Намунали томорқачи”, “Соғлом оила – мустақкам оила” каби ўндан зиёд лойиҳалар янада такомиллаштирилиб, бу йил ҳам давом эттирилади. Шунингдек, “Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор аёллари”, “Аёл – юсак маънавият соҳибаси”, “Жисмоний фаоллик – узоқ умр кўриш кафолати” каби янги лойиҳалар асосида амалий ишларни бажаришни режалаштирдик. “Оилавий бизнес – 2021” лойиҳаси доирасида 5 мингта МФЙга кириб бориш орқали 1 млн. аҳолини қамраб олишни назарда тутганмиз. Аҳолига тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, иқтисодий билимларини ошириш орқали ўзини ўзи банд қилишга эришилади.

Жорий йил 24 октябрда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – президентлик сайлови бўлиб ўтади. Шу муносабат билан “Сайлов – демократия кўзгуси” лойиҳаси доирасида хотин-қизлар ўртасида сайлов қонунчилиги кенг тарғиб қилинади, янгилик ва ўзгаришлар тўғрисида очиқ мулоқотлар ўтказилади. Овоз бериш жараёнида қатнашиб, фуқаролик позициясини мустақил билдиришнинг аҳамияти тушунтирилади.

Фаолият

## Маҳаллам – митти Ватаним

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган маҳаллабай ишлаш тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида O‘zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари аллақачон ҳаракатга тушиб кетишган. Аввало, туман кенгашларидаги аъзолар, депутатлар, маслақдошлар иштирокида ишчи гуруҳи тузилди.

Ҳар ҳафтанинг сешанба куни маҳаллаларга чиқиш куни деб белгиланди. Демак, улар орқали жойларга чиқиб,

аҳолининг яшаш шароитлари, турмуш ташвишлари обдон ўрганилади. Бу дегани, йил давомида 524 та ҳудуддан

хабар олинади. “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар”га кирган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш,

муносиб меҳнат шароитларида ишлаш масаласи имкон қадар ижобий ҳал этилади.

Ҳозирданоқ бу борада амалий ишлар изчиллик билан бошлаб юборилди. Сайёр учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда,

аҳолининг таклиф ва мурожаатлари обдон ўрганилмоқда. Ўз навбатида, партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти тўғрисида ҳам етарлича маълумотлар берилиб бориляпти. Муҳими, жойларда, тадбиркор-

лик субъектлари фаолиятида ечимини кутаётган муаммолар қонун доирасида ҳал этилиб, келажакдаги ҳамкорлик режалари ҳам белгилаб олинляпти.

Нодира МИРЖОНОВА



# Тўппончанинг аждодлари

...Ўқдори – порохнинг Хитойда кашф этилиши секин-аста ўқотар қуроллар эрасини бошлаб берди. Амир Темур даврида манжаниқ, раъдандоз, нафтандоз каби тош ва олов отар қуроллардан фойдаланилгани маълум, аммо милтиқ ёки туфак Темур ўрдусида бўлмаган. “Бобурнома”да эса биз туфак, туфанг, милтиқ, тўп, қазон, улуғ қазон, зарбзан, фарангий каби кўплаб ўқотар қуроллар номини учратамиз. Демак, Бобур ўз ўрдусини замонасининг энг илғор қуроллари билан қуроллантиришга ҳаракат қилган. Бу даврга келиб Усмонли давлати, Сафавийлар Эрониди ҳам ўқотар қуроллар бор эди. Эрон ва Усмонли давлатида фойдаланилган Оврўпо русумидаги тўпларни Бобур “фарангий” деб атайд.

“Бобурнома”да ўша давр артиллерияси – тўплар, ўқотар қуроллар бўйича мутахассис бўлган икки шахс номи тилга олинади. Улардан бири – Устод Алиқули, маъдандан қазон, яъни тўп (замбарак) қуювчи уста, иккинчиси – Мустафо Румий, “Рум дастури била ароба”, яъни Оврўпоча усулда тўп тагига ўрнатиладиган ғилдиракли арава ва фарангий, яъни Оврўпо русумидаги тўпларни яшаш бўйича мутахассис. Ана шу икки уста бошчилигида Бобур ўрдусида тўпчи ва милтиқчилардан иборат махсус гуруҳ бор эди.

“Бобурнома”нинг 1508 йил воқеалари ҳикоя қилинган боби ҳозирги Покистон ҳудудида бўлган Бажавр кўрғонининг ишғол этилиши воқеаси билан бошланади. Бобурнинг ёзишича, бажаврликлар ўша пайтгача милтиқ нималигини билишмаган: “Бажавр эли, чун туфангни кўрмайдур эдилар, туфанг унин ҳеч парвоёе қилмадилар, балки туфанг унини эшитгач, тамасхур қилиб, муқоболада шаниъ ҳаракатлар қилурлар эди. Ушал куни Устод Алиқули беш кишини туфанг била йикди” (*Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: “Шарқ”, 2002. – 162-бет*). Буни қарангки, милтиқ овозини эшитмаган бажаврликлар бу қуролга парво этишмабди, ҳаттоки олдинга чиқиб масхаралаб турли қилиқлар ҳам қилишибди, оқибатда бир қанчаси ўққа ўчиб нобуд бўлибди...

Ҳиндистон фатҳида Бобур ўқотар қуроллар, артиллериядан ҳам унумли фойдаланган. Агар Россия тарихи билан солиштирсак, Бобур ўрдусидаги бу тўпчи ва

туфакчилар – Москва давлати цари Ёвуз Иван (Грозный)нинг ўқчи кўшинларини эслатади. Фақат Ёвуз Иван Бобурдан ярим аср кейин – 1550 йилги ҳарбий ислохотларида махсус ўқчилардан иборат кўшинлар (стрелецкое войско) ташкил этишга қарор қилади. 1552 йили эса ана шу кўшинлар ёрдамида Қозон босиб олинган...

Туфак ёки милтиқ тасвирларини “Бобурнома” кўлёмаларига ишланган миниатюраларда ҳам кўриш мумкин. Туфаклар Бобурнинг ўз мутахассислари томонидан ясалганми ёки сотиб олинганми, бу ҳақда “Бобурнома”да маълумот йўқ. Аммо бир ўринда: “черик яроғига ва тўп ва туфакчининг дору ва жидоғига (маошига)” хазинадан маблағ ажратиш ҳақида фармон бўлгани айтилади. “Дору” деганда бу ерда “порох” кўзда тутилмоқда. Хўш, “туфак” ва “милтиқ” сўзлари қандай луғавий маънога эга?


Ҳозирги ўзбек тилида “туфак” сўзи қўлланилмайди. “Бобурнома”да эса “милтиқ”, “туфак” ва “туфанг” – маънодош сўзлар сифатида ишлатилган. Аммо форс-тожик, озарбойжон тилларида “туфанг”, усмонли туркчасида “tüfek” – “милтиқ” маъносида ҳозир ҳам истеъмолда. “Туфак” рус манбаларида ҳам “түфяк” шаклида учрайди. Рус йилномаларидаги “түфяк” ҳақидаги илк қайд XIV асрга оид бўлиб, қизиғи шундаки, 1382 йили москваликлар Тўхтамиш хужумини қайтариш учун туфакдан ҳам фойдаланилган экан. Рус тарихчиларига кўра, туфак Москва князлигига туркий халқлар (татарлар)

дай изоҳланган: “كفتت” тўвәк – туппак. Тол дарахтининг ва умуман ҳўл шохларнинг пўстлогини ёрмай, шох, новдадан суғуриб олинади ва учиға ғўлакчалар қўйиб, чумчуқларни отилади. Ёғочнинг ичини ковак қилиб ҳам туппак ясалади (чигиллар луғати)”

қа тилларга “туфанг” шаклида ўтган. Пистолет яратилгандан кейин эса, бу қурол “калта милтиқ” маъносида турк ва форс тилларида “тўппонча”, “туфангча”, “тубангча” қабилида атала бошлаган.

“Тўп” (“замбарак”) сўзи ҳам шаклан “туфак” ёки “туппак”қа ўхшаса-да, этимологик жиҳатдан “копток” маъносидаги “тўп” сўзига бориб тақалади. Бу қуролнинг ўқи – думалоқ тош, тўп шаклида бўлгани боис шундай аталган. “Девону луғотит турк”да: “توپ – тўп, копток. Бу сўз топикнинг қисқарганидир”, деб изоҳланган (*Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. III том. – Тошкент: “Фан”, 1963. – 130-бет*). “Ўзбек тилининг этимологик луғати” китоби муаллифи Ш. Раҳматуллаев эса: “Аслида “топ” сўзи қадимги туркий тилда мустақил ишлатилган ва “думалоқ нарс” маъносини англаган”, деб ёзади (*Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). I том. – Тошкент: “Университет”, 2000 – 371-бет*). Яъни, тўп – қадим замонлардан қалъа-кўрғонларни забт этиш учун қўлланилган манжаниқ оиласига мансуб қуролдир. “Бобурнома”да тўп (замбарак), кўпинча, “қазон”, қатта тўп – “улуғ қазон” дея тилга олинади. Бундай аталишининг сабаби тўп ҳам қозондай махсус қолпга юқори даражали иссиқликда эритилган маъдан қуйилиб ясалган. “Милтиқ” сўзини эса кўпчилик мутахассислар “пилта” ва “ўқ” (пилта+ўқ, пилтали ўқ) сўзларидан ясалган деб ҳисоблайди. “Пилта”, шунингдек, форсча “фатила”, русча “фитиль” сўзлари аслида арабча “фатил” (لئتف) сўзига бориб тақалади (*Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков. – Москва: Наука, 1974–1989*). Ўтмишда пилтали милтиқлар бўлганини биламиз.

Абдувоҳид ХАЙИТ



орқали ўтган бўлиши мумкин. М. Фасмернинг “Рус тилининг этимологик луғати”да “түфяк” чигатойча (эски ўзбек тилида) экани айтилади. “Бобурнома”да подшоҳ Бобурнинг икки фармони форс тилида келтирилган. Бобурнинг вазирлари томонидан ёзилган мазкур форсча матнларда ҳам: “туфакчилар” маъносида “туфакчиён”, баъзан “туфакандоз” деб ёзилганини кўриш мумкин. Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да “туфак” сўзини от эгар-жабдуғи қисмларидан бири сифатида тилга олган (*Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн // Мукаммал асарлар тўплами. XVI том. – Тошкент: “Фан”, 2000. – 21-бет*).

“Туфак” сўзи “Девону луғотит турк”да шун-

(*Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I том. – Тошкент: “Фан”, 1960. – 369-бет*). “Туппак” сўзи 1981 йили чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам: “лой соққани пуфлаб қуш отиш учун махсус тайёрланган қамиш най”, деб изоҳланган (*Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва: “Рус тили”, 1981. II том. – 224-бет*). Бу сўз “туфламок” феълидан ясалгани ҳам англашилади. Пуфлаб отиладиган бу турдаги ибтидоий пневматик қурол Америка ҳиндуларида ҳам борлиги туркий халқларда туфак азалдан мавжуд бўлганидан далолат беради.

Хуллас, милтиқ тилимизда дастлаб “туфак” деб аталган эди. Кейинчалик форс ва бош-

Фидойилар



**Акбаржоннинг қўлидаги дипломини кўриб ота-онасининг боши осмонга етди. Отаси Иброҳим ака қаттиқ тайинлади: “Ўғлим, шифокорлик мартабанг муборак бўлсин! Фақат бир нарса ҳамиша ёдингда турсин, зиммангда ҳазрати инсон тақдири турганини зинҳор унутма!”.**

## Ота ўғити ҳамон ёдида

Акбаржон Тошкент давлат тиббиёт институтида ўқитувчи, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази бош ва бўйин ўсмалари хирургия бўлимида етакчи ходим бўлиб ишлаганида ҳам ана шу насиҳатни унутмади. У билан суҳбатлашган ҳар бир бемор ўзида руҳий кўтаринкилик сезар, тузалишига умид уйғонарди.

Ўз устида тинимсиз ишлаб, йиллар давомидаги меҳнати ва тажрибаси

олимга илмий кенгаш аъзоларининг билдирган дил сўзлари катта далда бўлди. Самарали изланишлари, беморлар билан мулоқотлари натижа берди. 2011 йили эса “Маҳаллий тарқалган юқори жағ, бурун ва ёндош бўшлиқлари хавфли ўсмаларини комплекс даволашни такомиллаштириш” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Ўғилнинг бу ютуғи волидаю падарининг қувончига яна қувонч қўшган эди. “Балли, ўғлим, ҳақиқий олим из-

сиб ҳисса кўшишинг керак”, деганлари ёдга тушди.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббий марказида фаолият юритган шифокор 2009–2017 йилларда кўплаб халқаро илмий анжуманларда иштирок этди. Берлин, Сеул, Барселона, Йогагама, Нью-Йорк, Будапештда ўтказилган учрашувларда ўз илмий маърузалари билан иштирок этди, олимлар билан фикр алмашди.

Давлатимиз раҳбарининг пойтахтда фаолият юритаётган олимларнинг вилоятларга бориб ишлаши ҳақидаги даъватини манмунлик билан қабул қилган Акбаржон Ҳасанов 2017 йили марказнинг Фарғона вилояти филиалига жўнаб кетди. Филиалда ишлаётган кадрларнинг малакасини оширишга қаратилган эътибори боис ходимлар Ҳиндистон ва Туркия давлатларида бўлиб, билимларини мустаҳкамлади.

Акбаржон Ҳасановнинг бу ердаги энг катта ютуқларидан бири янги замонавий технологияларни жорий этиш бўлиб, биринчи мартта бош-бўйин соҳасида юқори жағнинг кенгайтирилган жарроҳликларини амалга ошириш ва танглайга ҳимояловчи протез ўрнатишга эришди. Шунингдек, қизилўнгачда Льюис жарроҳлиги, ошқозон ости беши ва ўн икки бармоқли ичак хавфли ўсмаларида панкреато-дуоденал



жарроҳлиги, тери жигар орқали холангиостомия амалиётларини ўтказди. Бу даврда фармацевтик компанияларнинг ҳомийлиги билан беморларга 195 374 747 сўмлик бепул кимё препаратлари берилгани ҳам катта имконият бўлди.

Ҳозирги кунда қаҳрамонимиз Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази бош ва бўйин ўсмалари хирургия бўлиминини бошқаряпти. Ҳар бир беморни синчиклаб кузатиб, тўғри ташхис қўйиш, жарроҳлик ёки кимётерапия билан даволашга этибор қаратмоқда.

Ота ўғитига амал қилиб, ҳаётда ўз ўрнини топган, одамлар дардига ҳаммиша малҳам бўлиб келаётган Акбар Ҳасанов ҳақида яна қанча самимий дил изҳорларини ёзсак, шунча оз. Шу ўринда беихтиёр қуйидаги сатрлар ёдга келади:

**Минг йил тикан бўлиб  
тургандан кўра,  
Бир соат гул бўлиб,  
яшаб қил ҳузур.  
Шунда ҳам хушёр бўл,  
қалбинг қуёши  
Одамларга фақат сочиб  
турсин нур.**

**Нарзулла ОРИФИЙ,  
фалсафа фанлари номзоди,  
доцент**



самарасида патологик физиология бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади. 27 ёшида тиббиёт фанлари номзоди унвонига сазовор бўлган ёш

ланишдан тўхтамаслиги, ўз мактабини яратиши лозим. Ён-атрофингда ёш, иқтидорли тадқиқотчиларни тўплаб, соҳанинг янада раванқ топишига муно-

Очиқ эшиклар куни

**Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди ва Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судида очиқ эшиклар куни бўлиб ўтди. Унда судьялар, сенаторлар, депутатлар, Учтепа ва Чилонзор туманидаги аҳолига хизмат кўрсатувчи барча соҳалар мутасаддилари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.**

Тадбир икки туман аҳолисини қийнаётган муаммо ва турли масалаларда уларга ҳуқуқий кўмак, маслаҳат бериш мақсадида ташкил этилди. Шунингдек, кўпчиликнинг талабини инобатга олиб, судларга мурожаат қилишнинг айрим янги тартибларини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилди.

Ҳар бир фуқаронинг мурожаати тегишлича қайд этилиб, ҳуқуқий маслаҳат берилди, зарур бўлса, муаммолари ваколатли ташкилотлар билан ҳал этилди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, “Давлат ва ҳокимият идоралари ҳам, ислохотлар ҳам халққа хизмат қилиши лозим”, “Ислохотлар замирида азиз инсон манфаати устувор” каби эзгу тамойилларга амал қи-

## “Сўранг, кўмак берамиз”



линаётганидан барчамиз хабардоримиз.

Қолаверса, Бош қомусимизга кўра, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлаши, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани белгилаб қўйилган.

Судларнинг асосий вазифала-

ридан бири эса, айнан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, демократия, ижтимоий адолат, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш, қонун ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олишдан иборатдир.

Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатланади. Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқ ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун фуқаролик

суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга (судга) мурожаат этишга ҳақли.

Маълумотларга таянсақ, Чилонзор туманида 51 та, Учтепада эса 60 та МФЙ мавжуд. Айни маҳалла фуқаролар йиғинларининг эътирофига, 6 000 дан ортиқ фуқаро ижтимоий ҳимояга, жумладан, тегишли ҳуқуқий кўмакка эҳтиёжманд.

– Асосий қонунимизга мувофиқ, бошқа давлат органлари қатори судлар ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга масъул экан, баландпарвоз гаплардан ёки у вазифа бизга тегишли эмас, деган эскича ёндашувдан чекиниб, қонун устуворлиги ва халқ манфаатини амалда рўёбга чиқаришга эътиборни қаратсак, ҳар биримиз амалий ишлар билан ҳисоб беришимиз лозимлигини тушуниб етамиз, – дейди **Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманларо суди судьяси Нуриддин Муродов**. – Зеро, ҳуқуқий кўмакка муҳтож қатлам ҳам Ўзбекистон фуқаролари, ўзимизнинг юртдошларимиздир. Айни тадбир натижасида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда озгина бўлса ҳам ҳисса кўша олсак, улар биздан рози бўлади. Зеро, халқ эътирофи – ҳақ эътироф.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
“XXI asr” мухбири.**

**Суратни Шухрат РАҲИМОВ олган.**



3-мақола



# ОҚСАРОЙ ЗИЁРАТИ

## ёхуд дунёга машхур “Bozdog film” павильони хусусида

**Оқсарой... Бутун дунёга маълуми машхур ном бу!** Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси Маданият ва туризм бўлими шафелигида уюштирилган ижодий сафаримиз дастурида “Bozdog film” павильони ҳам борлигини кўриб, роса суюнгандим. Сабаби, кўпчилик мухлислар учун асосан ҳинд ва Америка, корейс фильмлари ишланадиган Ҳолливудга ўхшаш кинокомпаниялар жуда таниш. Лекин улар орасида турк кино ва сериаллари суратга олинган Оқсарой вилоятида жойлашган тарихий манзилга қилган саёҳатимиз шаррос куйиб турган ёмғир остида бўлсаям ажойиб кечди.

Тасаввур қилинг: Истанбулдан салкам 50 чақирим узоқликдаги бу кинопавильон 340 гектар майдонни эгаллаган, ҳудуд деярли ўрмонлар билан ўралган. Бир томони Қора денгизга туташ, адоқсиз далалар, адирлар бағрида махсус кинопавильонлар қурилган. “Марҳабо, менинг қардошларим, ҳозир сизларга ҳаммамизнинг ота юртимиз Ўзбекистоннинг энг қадимий шаҳарлари бўлмиш Бухоро, Урганч, Хиванинг рамзий манзараларини кўрсатаман. Туркий дунё халқлари қаҳрамони, ҳатто Чингизхондай саркардани лол қолдирган ва унинг энгилмас кўшинларини зир титратган Жалолиддин Мангуберди ҳақида ҳикоя қилгучи тарихий сериал (ижтимоий тармоқларда маълум қилинишича, “Мендирман Жалолиддин” шу йилнинг 14 февралдан бошлаб телеканаллардан бирида намойиш этилар экан)ни суратга олиш учун бир йил давомида махсус барпо этилган 7 гектарлик майдондан ҳали ҳам айрим жойлари сақланиб турибди” дейди бизларни самимий қаршилаган “Bozdog film” павильони масъулларидан бири Хусейн Ўзчелек. Сўнгра экс-

курсавод-гидимиз Исметбей Янар мезбонларнинг илтимоси – сурат ё видеога олиш мумкин эмаслигини ишора қилди. Қизиққонлик билан “Нега энди?” деди орамиздан кимдир. Ўзбек тили билан туркча ўртасида фарқ камлиги боис Хусайн афанди тушуниб, секингина изоҳ берди: “Бу ерда ҳозир ҳам бошқа бир тарихий кино тасвирга олинапти-да”...

Сўхбат мавзуси ўзгаради. Бу улкан павильонда бир пайтнинг ўзида 3-4 тагача фильмни суратга олиш имконияти бор экан. Ўзимизнинг туркона ўтовлар, кўҳна сарой, қалъалар, бозор, карвонсаройларнинг маҳорат билан ишланган “тирик” макети. Қуламайдиган қилиниб, металл конструкторга ўралган қадимий шакл ва нақшлар асосида жиҳозланган тарихий манзаралар кўзни қувонтиради. Масалан, “Bozdog film” махсулоти саналмиш “Тирилиш – Эртуғрул” сериали 80 дан ортиқ давлатда намойиш этилибди, бу дегани деярли бир ярим миллиард томошабин уни кўрган. Демак, шунинг ўзи ҳам Туркия Республикасининг дунё миқёсидаги имижига ижобий таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири. Ҳамроҳи-

мизнинг таъкидлашича, ушбу павильон дунё кино саноатидаги энг йирик павильонлар учталигига кираркан, мустақамлиги жиҳатидан эса етакчи.

Бу ҳудудни томоша қилиш учун бир ҳафта ҳам етмаслигини айтган Хусейнбей билан махсус қўриқланадиган дарвоза олдида хайрлашарканмиз, у ўзбекистонлик киноактёрларга ҳам самимий саломларини йўллади ва насиб этса, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги билан ижодий ҳамкорликни давом эттиришни астойдил иштаётганликларини билдирди.

### ДАФТАР ЧЕККАСИДАГИ АЙРИМ ҚАЙДЛАР:

**Байроқсевар миллат...** Туркия тупроғига қадам кўйишингиз биланоқ, энг аввал кўз илғар-илғамас жойларда ҳам улкан байроқ ҳилпираб турганини кўрасиз. Чекка шаҳар ва қишлоқларини-ку санаш шарт эмас, уйлар дарвозаси эшигида, офису машиналаридаям бу давлат ва миллатнинг ушбу гўзал рамзига нечун бу даражада чексиз эҳтиром кўрсатилиши кишини ҳайратлантиради.



Бошқа бир мисолни айтаман: мафтункор Анталиядан 45 чақиримча узоқликдаги Белкис ва Серик, ниҳоят Аспендос деган ҳудудлардаги қадимий осори атиқларни томоша қилиб қайтаётган эдик. Мўътадил иқлимга мос қилиб экилган ҳар хил ўсимликлар яшнаб ётган улкан иссиқхоналарни кузатиб боряпман. Ул ёқларда ҳозир цитрус мевалар айни пишган маҳал. Айниқса, мандарин, лимон дарахтлари ҳосилни кўтаролмай ётибди. Аспендослик мезбонлардан бирининг даласига изн сўраб ораладик. У киши оила аъзолари билан мулкдор, яъни замонавий тилда фермер эканини айтаркан, бизам соддалигимизга бориб, ҳокимларингиз ким, прокурор-чи, сизлардаям режалар борми, деб сўрабми-да. Лекин тушунишди ва ҳайрон бўлиб, йўқ, ҳоким, прокурор, ҳатто полиция бошлиғи ким-

лигиниям билмаймиз. Бизни уларга ишимиз тушмайди. Бу ер бизга хусусий қилиб умрбод берилган. Неча гектар бўлса, ўзимиз истаган экин ё кўчати экамиз. Лекин солигини ўз вақтида тўлаймиз, режа... тушунмадим тўғриси, деб елка қисиб кўйдим...

Дарвоқе, кенг даладаям байроқ илинган. Энг қизиги бошқа, катта йўл устида ўз даласида пишган меваларни растага қўйиб сотиб ўтирган боғбонларга кўзим тушди. Ишонасизми, ҳар бир растанинг ёнида Туркия Республикаси байроғи қадаб қўйилган. Ана сизга ҳақиқий ватанпарварлик, миллий ғурур, фахр туйғуси қандай шаклланади? Бизда эса... бу алоҳида мавзу!

**Норқобил ЖАЛИЛОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган журналист

**Истанбул–Каппадокия–  
Анталия–Тошкент**

ЭЪЛОН!

## “BEST AUTO AUKSION”

масъулияти чекланган жамияти

**БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Аукцион савдога “Қорақалпоқ агрокимёҳимоя” худудий АЖга тегишли, Нукус шаҳри А. Досназаров кўчаси 12-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. “Газ 5312” русумли, давлат рақами 95/ 842 FAA, 1989 йили ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 3 780 000 сўм.

2. “Тико” русумли, давлат рақами 95/ 713 OAA, 1997 йили ишлаб

чиқарилган, бошланғич баҳоси – 5 500 000 сўм.

3. “Нексия” русумли, давлат рақами 95/ 715 OAA, 2004 йили ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 4 000 000 сўм.

Аукцион савдо 2021 йил 12 ва 26 март кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 09:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача

тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2021 йил 11 ва 25 март кунлари соат 18:00 гача.

**Савдода иштирок этиш учун ариза, закат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдор-**

**даги закат пулини “BEST AUTO AUKSION” МЧЖнинг АТБ Капитал-банк Тошкент филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт:**

**ҳ/р: 2020 8000 9008 0578 4001, МФО 00445, СТИР 305 089 257.**

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:

Нукус шаҳри Амир Темур кўчаси 122-а уй.

Тел.: (61) 222 88 80.

# “Имкониятимиз чекланмаган”

Эҳтиром

**9 февраль... Бу санада гўзал ҳикмат бор. Туркий дунёни десак, камлик қилар, бутун жумлаи жаҳон аҳлини қарийб олти асрки, ўзининг бебаҳо, гўзал, тенгсиз ижоди билан хайрату ҳаяжонга солиб келаётган ҳазрат Алишер Навоий номи мангуликка дахлдор эканини исботлаш шарт эмас.**

Буюк бобомизнинг ўлмас асарларини тушуниш, англамоқ учун яна қанча асрлар ўтиши мумкинлигини ҳеч ким башорат қилолмайди. Сабаби, инсоният ақлу тафаккурини уйғотмоқ, чархламоққа қодир бўлмиш бу ижод намуналари ҳамон ўз тадқиқотчи, ўқувчиларини кутмоқда.

Яшнобод туманидаги 52-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб жамоаси томонидан Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб тайёрланган байрам дастурини кўриб, кузатиб, ўзгача таассурот олдик. Аллома қаламига мансуб ғазаллардан парчалар ўқилди, саҳнавий кўринишлар, мусиқий чиқи-

шлар намоиш этилди.

– Ҳар йили улўғ боболаримиз Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари таваллудлари муносабати билан мактабимизда байрамона кеча ўтказиш анъанага айланган. 185 нафар ўқувчи таҳсил кўраётган бўлса, улардан 30 нафари уйда яқка тартибда таълим олади. Очигини айтимай сизга, “имконияти чекланган” деган сўзни шахсан мен ҳеч ҳазм қилолмайман. Нега дейсизми, мана, ҳозир кўрдингиз-ку ўз кўзингиз билан, қаранг, болажонларни, ҳам ўзбек, ҳам рус тилида Навоий бобомизнинг ғазал ва ҳикматларини қандай чиройли ижро этишяпти?! Тақдир-да энди, лекин бу



йигит-қизларимнинг руҳи тетик, ҳаракатчан, ҳаётга муҳаббати чексиз. 40 нафар педагог – дефектологларимиз коррекцион фанлар ҳисобланган ритмика, логопедия, даволовчи жисмоний тарбия дарслари орқали уларни ижтимоий маиший ҳаётга йўналтириш, руҳан ривожланиши учун меҳнат қилишяпти. Эътиборлиси, технология

йўналишлари, яъни қизлар учун тикувчилик, ўғил болалар учун чилангарлик, дурадгорлик йўналишлари ҳам ўргатиляпти, – дея изоҳ беради **мактабнинг жонқуяр директори Муқаддас Нурмуҳаммедова**.

**Ўз мухбиримиз Суратни Шухрат РАҲИМОВ олган.**

Реклама ўрнида



**“Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмасига биноан “Эзгуфильм” студияси томонидан суратга олинаётган ушбу бадий фильм мавзуси шу вақтгача тўла очиб берилмаган 1916 йилги Жиззах қўзғолони ҳақидадир.**

Тарихни ўзгартириш мушкул. Кўпчиликка аён ҳақиқат шуки, чор Россияси ҳукмронлиги даврида император Николай II 1916 йил 25 июнда “Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолининг ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, дав-

лат мудофааи учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида” фармон чиқарди. Унга кўра, Туркистон, Сибирь ва Кавказ халқларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни сафарбар қилиш кўзланган эди. Бу фармоннинг эълон қилиниши аҳоли ўртасида қонли воқеаларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. 4 июлда Хўжанд халқи қўзғолон кўтарди, айни пайтда, Самарқанд, Жиззах ва Каттақўрғон туманларида ҳам ғалаёнлар бошланди. Фарғона, Сирдарё, Самарқанд, Еттисув, Закаспий вилоятларида авж олган ғалаёнлар кескинлашиб, халқ қўзғолонига айланди. Айниқса, Самарқанд вилоятининг Жиззах уезида бу воқеа-

лар уюшган ва ошкора тус олди. Жиззах қўзғолони ана шундай бошланган эди...

“Бўйсунмас” фильми (режиссёр — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими **Жаҳонгир Аҳмедов**, сценарий муаллифлари – **Ҳасан Тошхўжаев** ва **Жаҳонгир Аҳмедов**, оператор **Рустам Муродов**, рассом **Баҳриддин Шамсиддинов**, продюсер – **Зафар Йўлдошев**)ни суратга олиш жараёнлари асосан Жиззах вилоятида олиб борилди. Шунингдек, ушбу мураккаб мавзунини ёритишда Беларусь Республикаси ҳамда Россия Федерациясидагилар билан ҳам ижодий ҳамкорлик қилиш режалаштирилган.

## 4 та кинотеатр халқаро ассоциацияга аъзо бўлди



“Ўзбеккино” Миллий агентлиги ахборот хизматининг хабар қилишича, мамлакатимиздаги “Salom”, “Next”, “Parus”, “Riviera” кинотеатрлари эгаси, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги Жамоатчилик кенгаши аъзоси **Фаррух Тулаганов NATO (The National Association of Theatre Owners)**нинг ўзбекистонлик аъзосига айланди. Номлари саналган кинотеатрлар эса Ўзбекистон номидан ушбу ташкилот аъзолигига қабул қилинди.

NATO – АҚШнинг савдо ташкилоти бўлиб, унинг аъзолари кинотеатрлар эгаларидир. Энг йирик дунё кинотеатрлари тармоқларининг аксарият операторлари, шунингдек, юзлаб мустақил театр операторлари компаниянинг аъзолари ҳисобланади. Бугунги кунга келиб ассоциация АҚШнинг 50 штатидан 35 000 кинотеатр, дунёнинг бошқа мамлакатларидан эса 33 000 дан ортиқ киноэкранларни қамраб олган.

<p><b>Тахрир хайъати:</b> Ақтам ХАЙТОВ Дилшод ШОУМАРОВ Шухрат БАҲОЕВ Мавлуда ХЎЖАЕВА</p>	<p>MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI</p> <p><b>XXI ASR</b> IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA HAFTALIK NASHR</p> <p><b>Бош муҳаррир</b> <b>Норқобил ЖАЛИЛОВ</b></p> <p>Сирождин САЙИДИ Адхам ШОДМОНОВ Виктор ПАК Насимжон АЛИМОВ</p> <p>Фаррух ЖАББОРОВ Бош муҳаррир ўринбосари</p>	<p>Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73<sup>а</sup>-уй.</p> <p>электрон почта: xxi_asr@mail.uz xxi_asr@mail.ru</p> <p>Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс). Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.</p>	<p>“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.</p> <p><b>Корхона манзили:</b> Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-3 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 251 Тираж: 3514 Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 22:15</p>	<p>Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.</p> <p>© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.</p> <p>Муаллифлар фикри тахририят нўқтаи назардан фарқ қилиши мумкин.</p> <p>Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер</p> <p><b>Маъруфжон Раҳмонов</b> томонидан саҳифаланди.</p>	<p>ISSN 2181-497X</p> <p>НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406 1 2 3 4 5 6</p> <p>Навбатчи муҳаррирлар: <b>Нурхон ЭЛИМРЗАЕВА,</b> <b>Беҳзод ИСРОИЛОВ.</b></p>
--	--	---	---	--	--